

# ХУҚУҚ

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Президент Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасидан:

### СУД-ХУҚУҚ СОҲАСИДА:

**Биринчидан.** Хуқуқий давлатнинг мазмун-муҳиятини белгилайдиган амалдаги кодекслар, қонунлар, меъёрий ҳужжатларни таъминловчи ба-ҳолаган ҳолда, хуқуқий давлатни шакллантириш борасида биринчи галда қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни аниқ-лаб олишимиз керак.

**Иккинчидан.** Давлат ва жамият қурилиши ва бошқаруви билан бугунги кунда қабул қилин-ган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи тизим яратиш учун зарур чора-тадбирларни кўришимиз лозим.

Бу, биринчи навбатда, қонунни ҳимоя қилувчи

ва унинг ижроси назоратини таъминловчи орган-ларга тааллуқлидир. Яъни, хуқуқ-тартибот органларининг ўзи қонунларга сўзсиз риоя қили-шини таъминлашимиз лозим.

**Учинчидан.** Ҳокимиятнинг тўлақонли мус-тақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунушини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиши керак.

**Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адво-катура идораларининг мавқеини кўтариш дар-кор.**

Суд ислоҳотини ўтказиш жараёнида жиноий

ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш ва бу масала-ларни таъминловчи жиҳатдан ҳал қилиш зарур.

Бу, албатта, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди.

**Тўртинчидан.** Аҳолимиз, айниқса, ёшларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини кенг кўламли амалга оширишга алоҳида эътибор бе-риш зарур, деб ўйлайман. Токи ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-хуқуқини билсин ва уни ҳимоя қила олсин.

#### НАЗОРАТ

Сирдарё вилояти прокуратураси органлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрдаги «Экинларни пайҳон қилишга қурашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда бу Фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларнинг пайҳон қилинишига қураш кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2000 йил 12 ян-варда қабул қилган қарорининг ижросини алоҳида назоратга олиб, бу борадаги текширишларни изчил олиб бормоқда.

Мазкур қарорнинг 2-бандида туман ҳокимликлари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда ҳўжаликлар раҳбарлари ва фермерларнинг қарор талабларини бажаришга доир ишлари етарли эмас, деб топил-



## БУГУНГИ МАЙСА - ЭРТАНГИ БУҒДЎЙ

ган. Бу борада ўтказилган текширишлар жараёнида жойлардаги ҳокимликлар, қишлоқ ҳўжалик бошқарув идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳўжаликлар ва бошқа мута-садди ташкилотларнинг ушбу масалага ҳанузгача масъулиятсиз-лик билан қараётганлиги оқибат-ида галла экинларини пайҳон қилиш ҳолларига йўл қўйилаёт-ганлиги маълум бўлди.

Текширишлар натижасига кўра, ҳўқуқбузарлик содир этган фуқароларга чоралар кўриш билан чегараланиб қолмасдан, айрим ҳўжаликлар раҳбарларини жиноий жавобгарликка тортишгача чоралар кўрилди. Мансабдор шахсларга нисбатан 4 та жиноят иши кўзгатилиб, Ховос туманидаги Амир Темур номли ширкатлар уюшмаси раиси Абдумалик Абду-жалилов ўз хизмат бурчиға масъу-лиятсизлик билан қараган. На-тижада уюшмага 93000 сўмлик зарар етказилган. Шунингдек, су-ғориш жараёнида агротехника қондаларига риоя қилинмаган ва 2 гектар майдондаги галла май-салари нобуд бўлиб, ҳўжаликка

192 минг 673 сўм моддий зарар етказилган.

Ушбу ҳолат юзасидан туман прокурори томонидан 2000 йил 28 январ куни уюшма раиси А.Аб-дужалиловга нисбатан ЖКнинг 207-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзгатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борил-моқда.

Худди шундай, Шароф Раши-дов туманидаги «Пахтаобод» дек-кон-фермер ҳўжаликларини бир-лашмаси раиси М.Абдураҳмонов ҳам Президент Фармони ва Ва-зирлар Маҳкамасининг қарори талабларини кўпол равишда бу-зиб, ҳўжаликдаги экинзорларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўли-шининг олдини олишга қаратил-ган ташкилий ва амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқмаган. 2000 йил ҳосили учун экилган 1710 гектар галла майдонига дала қоро-вуллари бириктириш ва уларга иш ҳақи тайинлаш чоралари кўрилмаган, кузатув постлари ташкил этилмаган. Оқибатда жо-

рий йилнинг январ ойи мобайни-да 6 та ҳолатда экинлар пайҳон қилинишига йўл қўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан ҳўжа-лик раҳбари М.Абдураҳмоновга нисбатан Ўзбекистон Республи-каси ЖКнинг 207-моддаси 1-қис-ми билан жиноят иши кўзгатилиб, ҳозирги кунда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Булардан ташқари, 2000 йил 2 январ куни Боёвут туман «Наврўз» ширкатлар уюшмасида жойлаш-ган «Саломатлик» фермер ҳўжа-лигининг 4 гектар бошоқли дон экилган майдонида фуқаро Раҳ-мат Алламурадов шу ерда яшов-чи аҳолининг қўйларини боқиб юрган ва фермер ҳўжалигига 97 минг 800 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Ушбу ҳолат юзасидан ҳам фуқаро Р.Алламурадовга нисбатан ЖКнинг 173-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мирзаобод туманидаги Мир-

зачўл ширкатлар уюшмаси 1-бўли-ми раиси С.Арзиқулов мансабига совуққонлик билан қараб, уларни лозим даражада бажармасдан, галла майдонларига кузатув пост-лари қўймаганлиги ва уларнинг ишлашини назорат қилиб борма-ганлиги натижасида фуқаролар-нинг қорамоллари ва қўйлари 1,5 гектар галла майдонларини пай-ҳон қилиб, ҳўжаликка жиддий зиён етказган. Бу ҳолат бўйича барча айбдор фуқаролар маъмурий жа-вобгарликка тортилган, С.Арзи-қуловга нисбатан жиноят иши кўзгатирилган.

Вилоят ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан маз-кур йўналишда ўтказилган текши-ришлар натижасига кўра, қонун-бузарликларни бартафоз этишга доир чоралар қўлланилиб, етқа-зилган 358 минг 718 сўмлик мод-дий зарарлар ҳўжаликлар фойда-сига ундирилди.

**Т.ХУДАЙБЕРДИЕВ,**  
Сирдарё вилоят прокуратураси  
умумий назорат бўлими бошлиғи

#### ИШОНЧ

#### ТЕЛЕФОНЛАРИ

#### ХИЗМАТИНГИЗДА

Тошкент шаҳар прокурату-раси ва туман прокуратурала-рида шаҳар ҳўқуқни муҳофаза этувчи идоралари ходимлари, бошқа мансабдор шахслар то-монидан фуқароларнинг Консти-туция билан кафолатланган ҳўқуқ ва эркинликларини қонун-га ҳилоф равишда чеклаш, пой-мол қилиш ҳолатларининг олди-ни олиш мақсадида ҳамда улар томонидан содир этилаётган ҳар қандай кўринишдаги ғайри-қонуний ҳатти-ҳаракатларга чек қўйиш учун ишонч телефон-лари ўрнатилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси  
маҳкамаси ишонч

телефони рақами 77-86-12.

Акмал Икромов туман

прокуратураси — 74-81-33

Бектемир туман

прокуратураси — 195-02-81

Миробод туман

прокуратураси — 56-38-41

Мирзо Улугбек туман

прокуратураси — 67-45-51

Собир Раҳимов туман

прокуратураси — 41-24-58

Сирғали туман

прокуратураси — 57-27-50

Ҳамза туман

прокуратураси — 67-59-72

Чилонзор туман

прокуратураси — 77-14-56

Шайхонтоҳур туман

прокуратураси — 42-46-93

Юнусобод туман

прокуратураси — 35-09-40

Яккасарой туман

прокуратураси — 55-29-22

# «ХУҚУҚ»

юридик газета

## Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари «Конун ҳимоясида» журнали

## Бош муҳаррир:

**А.АБДУРАЗЗОҚОВ**

## Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов,  
Бўритош Сайфуллаев,  
Ботир Пўлатов,  
Бахтиёр Назаров  
(Бош муҳаррир ўринбосари),  
Дилшод Исмолов  
(масъул котиб),  
Лола Шомуродова,  
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот кўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган  
Нашр кўрсаткичи — 231, 232

**Манзил:** Тошкент шаҳри, академик Яхё Фуломов кўчаси, 66-уй.  
**Телефонлар:** 77-72-25, 133-82-34

Таҳририятга келган қўл-ёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайд.

Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланши мумкин. Газетада босилган факт ва далиллар учун муаллиф масъул.  
Наширланган кўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.  
Тижорат аҳамиятига молик материаллар \*\* белгиси остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят компьютер марказида Pentium-II 333-MMX компьютерида саҳифаланган.

Саҳифалаш ва дизайн ишларини Б.Сандов бажарган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида офсет усулида А-3 форматда чоп этилган.  
Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буёқ Турон кўчаси - 41.

Буюртма Г-142  
Нусхаси — 23045

Босмахонага топшириш вақти 20.00  
Босмахонага топширилди 19.00

Газета ҳафтанинг чоршанба кунлари чиқади

**Навбатчи**  
**Н.МАХМУДОВ**

Сотувда эркин нархда

**1 2 3 4 5 6 7 8**

## КЕНГАШ

Болалар тарбияси инсоният тарихида жамиятнинг энг мураккаб вазифаси бўлиб келган. Лекин бугунги кунда сиз билан биз ана шу келажагимиз тақдирини қандай қарамоқдамиз? Нима сабабдан ҳали ҳаётнинг аччиқ-чуқуқларини тушуниб етмаган мактаб ёшидаги баъзи болалар жиноятга қўл урмоқда?

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ НЕГА ЎСМОҚДА?

Шу йилнинг 28 январь кuni Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туман прокуратураси ташаббуси билан туман прокуратураси биносидида бўлиб ўтган мувофиқлаштирувчи кенгашда ана шу саволларга жавоб изланди. Унда туман ИИБ, суд, «Камолот» жамғармаси, Халқ таълими бўлими, туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, «Маҳалла» жамғармаси вакиллари, тумандаги мактаб директорлари ва ўқитувчилари иштирок этдилар. Кенгашнинг туман прокурори Б.Ҳақназаров олиб борди. У кенгашни очар экан, ёш авлод масаласига тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Туман ҳудудидида вояга етмаганлар ўртасидида жиноятчилик ўсган. Биз ота-оналар, маҳалла-қўй атрофимизда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга бироз берафқ бўлиб қолганмиз. Бугун биз бу ерга ана шу масалада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бундан чиқиб кетиш йўлларини излаб топш учун йиғилдик.

Туман прокуратураси томонидан бир қатор идораларда текшириш ўтказилган. Туман прокурорининг ёрдамчиси А.Назарова вояга етмаганлар билан ишлаш аҳоли ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

— Туман прокуратураси томонидан 1999 йил давомида вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятчилик аҳоли ўрганилиб, умумлаштириб чиқилди, — деди у. — Туман ИИБ нозирлиги фаолияти текшириб чиқилганда талайгина камчиликларга йўл қўйилганликларни аниқлади. Илгари судланиб чиққан вояга етмаган шахслар ва ҳуқуқбузарликка мойил ўсмирлар ўз вақтида рўйхатга олинмаган, болаларни тарбиялашдан қасддан бош торган ота-оналар билан йил давомида ҳеч қандай профилактик ишлар олиб борилмаган. Бу эса ўз навбатида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига, туманда жиноятчиликнинг ўсишига шарт-шароит яратиб берган.

1999 йилда 1998 йилга нисбатан вояга етмаганлар жиноятчилиги 37,6 фоизга ўсган.

Авал судланганлар билан ҳеч қандай иш олиб борилмаган. Масалан, вояга етмаган Н.Смирин 1999 йил 4 июнь кuni амнистия актига асосан жазодан озод қилинган бўлсада, 1999 йилнинг 26 октябрда рўйхатга қўйилган. Бугунги кунга уна ишга жойлаш бўйича ҳеч қандай чора қўрилмаган.

Яна бошқа бир мисол, вояга етмаган А.Перевертневга нисбатан иш юритилган. Лекин у бирон марта ИИБга қақиртилмаган, жамоатчи тарбиячи тайинланмаган. Ишга ҳам жойлаштирилмаган.

Туман ҳудудидида ўз фарзандларига лозим даражада тарбия бераётган, спиртизи ичимликлар истеъмоли қилаётган 72 та нотинч оилалар рўйхатга қўйилган. Аммо уларга нисбатан ҳар доим ҳам чора қўрилмапти. Жиноят содир қилган қўлба вояга етмаганлар ҳукми қонуний қўлба кирганидан 10-11 ой ўтган, рўйхатга қўйилган. Бу эса қайтадан жиноят содир этишга шарт яратиши мумкин.

Назоратсиз қолмиш оқибатида вояга етмаган А.Худойбердиев, Р.Очилов, А.Мавлонов, М.Назарчаев, О.Ғасеикийлар такроран жиноят содир этганлар.

Туман ҳокимияти қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириб боришда олиб борган ишларини талаб даражасида деб бўлмайд.

Комиссияда ИИБ ҳисобга олган ўсмирлар, ўз фарзандларига таълим-тарбия беришдан бўйин товланган ота-оналар, нотинч оилалар тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. ИИБ профилактика хизмати бўлимининг фаолияти устидан ҳеч қандай назорат олиб борилмаган.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан туман ИИБ бошлиғи ўринбосари А.Мансуров:

— Юқоридида айтиб ўтилган, биз йўл қўйган камчиликларнинг барчаси тўғри.

Ҳақиқатдан ҳам 1999 йилнинг кейинги олти ойи давомида вояга етмаганлар билан шуғулланувчи нозирлик профилактик тадбирлар олиб боришга бир аз эътиборсизлик билан қараган. Жиноят содир этилган мактабларда ҳодимларимиз жиноятнинг содир этилиши сабабларини ўрганиб чиқиб, уни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни ўз вақтида қўрماганлар.

Юқоридида ҳукми чиққан, лекин орадан бир қанча вақт ўтган, яна жиноят содир этган вояга етмаганлар тўғрисида гапириб ўтилди. Бунда, албатта, биз томондан камчиликка йўл қўйилмаган, деб бўлмайд.

Аммо айрим ҳолларда суд ҳукмининг нусхаси бизга етиб келмапти.

Яна бир муҳим масала — ўқимай, ишламай юрган ёшларга эътибор ҳақида. Бу ишда бизга кенг амалий ёрдам зарур. Жумладан, туман ҳокимияти, прокуратура ва бошқа ташкилотлар ана шу ўқимай, ишламай юрган ёшларни ишга жойлаштиришга ёрдам берсалар.

С.Ақмуразаев, туман «Маҳалла» жамғармаси раиси:

— Бу масалаларни ҳал этиш учун бизда қўлимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли. Лекин биз ҳамкорликда ишламай қўйдик. Бу масала бўйича қайси идора ёки ташкилотга йиғилиш ўтказилаётган бўлса, маҳалла кўмиталари раисларини, албатта, жалб этиш лозим. Жиноят содир этган ёки бўлмаса, тарбияси оғир болаларни биз ҳам билалйлик, уларни кўпчилик — жамоа ичиди қўриб чиқайлик. Судланган шахслар билан яқин муносабатда бўлиб, уларни ишга жойлаштиришга, содир этган ҳаракатининг оқибатини тўғри тушуниб етишига ёрдам қилишимиз керак.

Б.Ҳақназаров: — Бу ерга тўпналандан ҳам қасдд айбодорни қидириш эмас, балки юзгага келган масалани ҳамкорликда ҳал этиш учун амалий чораларни ишлаб чиқишдири. Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз даркор. Ҳаётнинг ҳар шанбасида тарбияси оғир, ўқишга, ишга иштиёқи йўқ, муқаддам судланган вояга етмаган болалар билан ота-онаси, синф раҳбари иштирокида суҳбат ўтказишни ўз режамга киритдим. ИИБ ҳодимлари, маҳалла вакиллари иштирокида гуруҳ тузишса, шу ҳудудда мавжуд бўлган бўш квартиралар, уйлارнинг ертўллари, чордақларда, пропикасиз яшаётганлар аниқланса ва бу ишга жамоатчилик кенг жалб этилса, ўйланимкин, фаолиятимиз жонланади.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда қўрилган масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли қарор қабул қилинди.

**Дониёр ХАЛИЛОВ,**  
«Хуқуқ» муҳбири

# ҚОНУННИНГ

Халқимизда: «Тўғри гап туғишганингда ёқмайди», деган нақл бежиз айтилмаган экан.

Йигирма беш йиллик меҳнат стажига эга, олий тоифали дорихона, ўн икки йилдан буён «Ал-Розий» номли 1-сонли дорихонада провизор-технолог вазифасида ишлаб келаятган М.Нуралиева ноқонуний ишдан бўшатилади. Қизик томони шундаки, буйруқ чиққан кuni М.Нуралиева саломатлиги ёмонлашганлиги туғайли жамоа мажлисида катнашмаган. Буни даъвогарнинг 577885 сонли касаллик варақаси ҳам тасдиқлайди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1998 йилнинг 17 апрелида чиққан 12-сонли қарори ҳамда Ўз.Р. МКнинг 100-моддасида кўрсатилишича, ҳодимнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида меҳнат шартномасини иш бевуручининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Аммо қонуннинг бу талаби М.Нуралиевани келганда «ишламай» қолди. Унинг ишдан бўшатилиши сабабларидан бири эса дорихонада йўл қўйилаётган қонунга хилоф ишлар ва бошқа кўзбўйамчиликларни рўй-рост айтгани бўлди.

Табиийки, бу ҳол дорихона раҳбарлари Х.Абдуллаев, М.Шожалилова ва М.Низомовларга ёқмайди. Шундан сўнг улар «ҳақиқатгўй»ни ишдан бўшатиш пайига тушадилар ва бунга эришадилар ҳам. Дорихона маъмурияти 1998 йил 30 июнда «Жамоада носоглом муҳитни вужудга келтирганлиги, раҳбарларга нисбатан қўпол муомалалар бўлганлиги...» ва бошқа бир қанча камчиликларни рўқач қилиб, М.Нуралиева билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Ҳамма оғур-юғур ана шундан кейин бошланади.

М.Нуралиеванинг даъво аризаси дастлаб Яқкасарой туман суди судьяси У.Абдумуродов томонидан рад этилди. Бундан ҳақли равишда норози бўлган даъвогар Тошкент шаҳар судига арыз қилади. У ерда туман суди қарори бекор қилинади ва ишни қайта қўриш учун 1999 йил 25 февралда яна шу туман судининг янги таркибидида муҳокама қилиниши кўрсатилиб, ажрим чиқарилди. Қизиги шундаки, ҳали туғалланмаган фуқаролик иши Яқкасарой туман судида қўрилаётган бир пайтда фаройиб воқеа содир бўлади. Дорихонада ишловчи бир гуруҳ ҳамкасблар «Хурият» газетасининг 14 апрел сонидида «Ишлашга имкон беринг, яхшилар!» мақоласини «Мак-туб» ружини остида чоп этишга улғураддилар. «Қўрққан олдин мушт кўтарар» деганларидек, мақола муаллифлари объектив текширилмаган, бунинг устига ҳали суднинг қатъий қарори чиқмаган бўлса-да, газетага мақола кўтариб келадилар. Мак-туб-мақола шошма-шошарлик билан газетага чиқиб кетдики? Нима, бу судни қалғитишми ёки...? Бу ёғини билолмадик. Шундан сўнг «Хурият» газетаси айбини бўйнига олиб, 28 апрел сонидида мақола «қажрамон» М.Нуралиева ва адаллатсизлик жабрини тортган дорихоналар М.Бобоева, Д.Мирзаахмедовларнинг «Мақола ёзишга шошиман!» раддия-хатини чоп этади.

Нижоят, судья М.Абдуҷамборов даъвоини қаноатлантиради... (Эътибор беринг, бир туман судида икки хил қарор)?!

Тошкент шаҳар қасаба уюшма-

лари кенгашининг меҳнат низолари бўйича ҳуқуқий инспектори Л.Хасанова ҳам дорихона маъмуриятининг буйруғида келтирилган ҳолатлар «меҳнат интизомно бўзилган» деб нотўғри баҳолагани, шу боис интизомий ҳола қўришга асос бўлиб хизмат қилмаслигини таъкидлаб, судга ўз ҳулосасини тақдим этган. 1999 йил 21 июн кuni Тошкент шаҳар, Яқкасарой туман суди фуқаролик иштини батафсил ўрганиб, бир қанча қонун бўзиллишлар содир этилганлигини аниқлайди ва М.Нуралиеванинг даъволари ўз исботини топди. «Ал-Розий» номли жамоа мулкчи қарашли 1-дорихона маъмуриятининг буйруғини ҳақиқий эмас деб топади ва даъвогарнинг ишга тиклаши, унга ишсиз юргани учун ойлик маоши ва маънавий зарарини ундириш тўғрисида қарор чиқаради. Шундай бўлса-да, дорихона раҳбари М.Шожалилова М.Нуралиевани ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажаришдан бош тортишни давом эттиради.

Ҳўш, «Ал-Розий» номли жамоа мулки ҳисобланган дорихонада нега бунча шов-шув кўтарилди, дерсиз? Ҳамма гап хусусийлаштириш пайтида юз берган қонунбузарликлар, дори-дармонларнинг назорат-таҳлил текширувисиз ва Фармқўмита рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда сотишдаги кўзбўйамчиликлар, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик ва ноқонуний ишдан четлаштирилган натижасида 56 нафар ҳодимнинг ҳуқуқи поймол этилганлигиндан келиб чиққани суд ва прокуратура органлари томонидан аниқланган ва қўпол ҳатотликларга бориб тақалади.

Тошкент шаҳар прокурори М.Наимов юқоридида санаб ўтилган қонунга хилоф ишларга йўл қўйган жавобгарларнинг иштини қўриб чиқишни сўраб Тошкент шаҳар ҳўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилади. Судья И.Насриев томонидан бу иш рад қилинган, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳал қилув қароридан норози бўлиб, маъжур иш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судига апелляция шикоятни киритади. Яъни, «Ал-Розий» жамоа мулкидидаги 1-сонли

## КАСБИНИ ШАРАФ БИЛАНЛАР

# ЎЗ ИШИНING ФИДОЙИСИ



Прокуратура идоралари сафини ўз ишининг фидойилари бўлган кадрлар билан тўлдириш ва мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугунги кун сўзи билан айтганда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек иш гайратли, шижоатли, қонунларга итоат этувчи, тўғри сўз, ҳалол инсонларгагина у ёки бу вазифа ва лавозим ишониб топширилмоқда.

Прокуратура идораларида билдирилган ишонч ва умидни оқлаш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган ёш прокурорлар сафи тобора ортиб бормоқда. Ана шундайлардан бири Баҳромжон Жўраевдир.

Баҳром Жўраев прокуратура соҳасида 1990 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. 1997 йилнинг май ойидан бошлаб то ҳозирги кунгача Фарғона вилоят прокурорининг судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича катта ёрдамчиси вазифасида ишлаб келмоқда. Ана шу қисқа давр мубойинида судларда фуқаролик ишларининг мазмунан тўғри ҳал қилиниши, улар юзасидан суд-прокурор амалиётини умумлаштиришда ўз ҳиссасини қўшиб, тинмай меҳнат қилиб келмоқда.

Суратда: Баҳром Жўраев иш устида



ХУҚУҚ ВА БУРЧ

# КУЧИ НИМАДА?

дорихонага берилган Тошкент шаҳар Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 1994 йил 23 июндаги 454-сонли буйруғини, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи 538-сонли Давлат ордерини, шунингдек 1994 йил 26 декабрдаги 1187-сонли буйруғини, 1892-сонли бекор қилиш ҳамда 1994 йил 7 июлдаги Яққасарой туман ҳокимининг 1126-сонли рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорини ва «Ал-Розий» номли дорихона жамоасининг 1994 йил 10 майдаги низомини ҳақиқий эмас, деб топишни сўрайди.

Шундан сўнг иш Ўзбекистон республикаси Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъатида (раислик қилувчи С.Абилов, ҳайъат аъзолари И.Есмировот ва Ш.Султоновлардан иборат таркибида) Тошкент шаҳар прокурорининг кассация протестига асосан даъво ариза қўриб чиқилди. Унда даъвогар ҳам, «Ал-Розий» жамоа корхонасининг вакиллари М.Шожалилова, М.Низомовалар ҳам иштирок этадилар.

Судлов ҳайъати фуқаролик иши бўйича судья С.Абиловнинг баёноти тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиққач, прокурор Р.Жайсуновнинг кассация протестини қаноатлантириш тўғрисидаги ҳулосасини тинглаб, қуйидаги асосларга қўра қабул қилинган қарорларни бекор қилишни ҳамда кассация протестини қаноатлантиришни лозим, деб топди.

Тошкент шаҳар «Дори-дармон» давлат акционерлик жамиятига қарашли 1-сонли дорихона меҳнат жамоасининг мулкни хусусийлаштириш тўғрисидаги аризаси Тошкент мулк бошқармасига 1994 йил 13 июнда берилган. Ушбу аризага илова қилинган меҳнат жамоасининг баёнотининг 58 ҳодим иш-лаётганлиги, имзо қўйиш варақасида 50 нафар(?) ҳодим иштирок этганлиги кўрсатилган.

Аслида комиссия аъзоларининг айби билан жамоанинг атиги 24 нафар ҳодими тақлиф қилиниб, фақат шулар ўртасидагина маблағ йиғилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 мартдаги 132-сонли «Дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги» қарорининг 8-бандига асосан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларида катъий назар, дорихона муассасаларини сотиб олувчи давлат юридик ва жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 6 январдаги 3-сонли қароридан назарда тутилган имтиёзлар берилган ва объектларни сотиб олиш баҳосини аниқлашда ҳуқуқнинг 1993 йил 1 июн кунли қарори амир қилиш ҳуқуқини қўллаётган дорихона муассасаларига таъдир этилмаган. Яъни меҳнат жамоасининг комиссия аъзолари ва 24 нафар ҳодим бошқа жамоа аъзоларига тушунтириш бермай, ноқонуний равишда ўз улушларини қўшиб дорихонани хусусийлаштириб олганлар.

Дорихонага тегишли фармойиш ва мулккий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерининг берилишидаги йилгилишда ҳам айнан 24 ҳодим катнашган. Устига-устак 1994 йилнинг май ойида 1-сонли дорихона ҳодими 82 кишини ташкил қилиб, шулардан 2 ҳодим ўриндошнинг асосида ишлаб келган, 20 ҳодим эса ҳомилдорлик таътилида бўлган. Демак, қонун талабига қўра, илова қилинган имзолар рўйхатида дорихона хусусийлаштириш тўғрисида 82 ҳодимнинг фикрлари инобатга олинмиши, хусусийлаштириш давридаги пай бадали 80 кишига барабар бўлишини керак эди. Жамоага кириш истагини билдирмаганларнинг пай бадаллари эса бошқа ҳодимларга тақлиф қилиниб, мажлис баёнотини билан расмийлашти-

рилиши, уларнинг ёзма аризалари баёнотини илова қилиниши шарт эди. Натихада дорихона мулкни ва бироқ 24 ҳодим ўртасида тақсимланми, қолган 56 ҳодимнинг ҳуқуқлари поймол қилинган.

Бирок суд муҳокамасида бу ҳодимларнинг ҳисса олишдан бош тортганлиги ёки пул маблағи бўлмаганлиги тўғрисида ёзма маълумот бўлмаганлиги сабабли ўз тасдиғини топмади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги 1991 йил 19 ноябрдаги қонуннинг 3-моддаси ва 1992 йил 23 сентябрдаги қарорининг 7-иловаси сифатида тасдиқланган вақтинчалик Низомининг 55-бандига қўра жамоа корхонасининг ҳар бир ҳодими меҳнат улушига мувофиқ равишда ўз пайларига эга бўлиши керак. Шунингдек, биз юқорида айтиб ўтган вақтинчалик Низомининг 14-бандига қўра, корхонанинг устивидида ташкил топаётган юридик шахснинг устав сармоёси ҳажми, катнашчиларнинг ҳар бирига тегишли бўлган ҳиссалар миқдори тўғрисидаги маълумотлар акс этиши керак бўлса-да, аммо корхонанинг устивидида бундай маълумотлар йўқ.

Дорихонани хусусийлаштириш тўғрисидаги далолатнома 1994 йил 27 июнда берилганга қарамастан, жамоанинг Низоми қонунга хилоф равишда 1994 йил 10 майдаёқ олдидан «аванс»га жамоа томонидан қабул қилиниб юборилган.

Хуллас, Олий ҳўжалик суди бу ишга нукта қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 187 ва 189-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати Тошкент шаҳар прокурорининг протестини қаноатлантириб, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг ушбу иш бўйича қабул қилган 1999 йил 26 мартдаги ҳал қилув қарори ва 1999 йил 19 майдаги апелляция босқичидаги қарорини бекор қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан чиқарилган 1994 йил 23 июндаги фармойиши, 1994 йил 27 июндаги хусусийлаштириш ордери, 1994 йилдаги 1187-сонли фармойиши ва 1892-сонли ордери, шунингдек Яққасарой туман ҳокимининг 1994 йил 7 июлдаги 1126-сонли қарори, «Ал-Розий» номли 1-сонли дорихона жамоасининг 1994 йил 10 майдаги Низомини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида катъий қарор чиқарилади.

Ниҳоят, ҳақиқат қарор топди. Таъриблик қонун ҳимоячилари бу чигал ишга адолат нуктаи назаридан ёндошиб, даъвогарларнинг талабини қаноатлантиришди. Бирок шундай бўлишига қарамастан, дорихона раҳбари М.Шожалилова Яққасарой туман судининг қарорини баҳармасдан келаяпти. Яъни, М.Нуралиеванинг ишсиз юрган вақти учун ва маънавий зарарни тўлашдан бош тортми келаятгани суд ижрочилигининг 1999 йил 14 июлдаги далолатномасидан ҳам кўриниб турибди.

Шундан сўнг ҳаммаси жойига тушгандир, деб ўйларсиз? Афсуски, йўқ. М.Шожалилова назорат тартибига қўриб чиқилиш учун Олий ҳўжалик судига яна ариза билан мурожаат қилиб, унга қуйидаги мазмунда жавоб хати олади:

*Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида 1999 йил 27 июлдаги 129-сонли аризангиз иш билан бирга назорат тартибига қўриб чиқилди ва Олий ҳўжалик судининг 1999 йил 20 июлда кассация сўлов ҳайъати томонидан қабул қилинган қарори, иш ҳўжатларига асосан ва ҳаракатдаги қонунларга биноан қабул қилинганлиги сабабли уни бекор қилиш учун протест кел-*

*тиришга асос топилмаганлиги боис, ариза қаноатлантирилмасдан қолдирилди.*

*Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари М.С.Умаров».*

Дорихона ноқонуний хусусийлаштирилгани етмаганидек, бу ерда бир қанча адолатсизликлар ҳам содир бўлганини биз юқорида айтиб ўтган эдик. Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи муовини, лицензия бериш ҳайъати раиси Д.Асадов вазирликнинг фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш ҳайъатининг 1999 йил 7 сентябр 18-сонли мажлис қарори билан бекор қилинганлиги туфайли дорихона фаолиятини тўхтатишни сўраб, Яққасарой туман ҳокимлигига хат юборди. Туман ҳокими А.Мирқосимов «Ал-Розий» жамоа корхонасини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги 1994 йил 7 июлдаги 1126-сонли қарорини бекор қилиб, жамоа Низоми ўз қучини йўқотган деб ҳисоблади ва махсус қарор чиқарди.

Тошкент шаҳар прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси М.Наимов Соғлиқни сақлаш вазири номига хат йўллаб, юқорида қўратиб ўтилган қонбузилишларни содир этган айбдор шахсларга нисбатан тегишли чора қўришни ва унинг натижаси ҳақида бир ой ичида хабар қилишни айтган.

Хуллас, мазкур фуқаролик иши адолат юзасидан қонуний қўриб чиқилди. Тошкент шаҳар ва Яққасарой туман давлат солиқ инспекциясига «Ал-Розий» номлидаги 1-сонли дорихонада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 190-моддасига қўра қонбузириликлар содир этилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, пойхат «Дори-дармон» давлат акционерлик уюшмаси, Яққасарой туман ҳокимлиги ва савдо департаменти ва унинг фаолияти тўхтатилиши, чакана савдон аналга ошириш ҳуқуқини берувчи П-1600 лицензия бекор қилинганини қўратиб, уларга қонуний чора қўриш тўғрисида хат жўнатилди. Шуниси ачинарлики, қисқа вақт ичида ҳам бир қанча ҳуқуқбузарликлар рўй бергани етмагандай, муддати ўтиб кетган дориларнинг ҳамон сақланаётгани текширувда аниқланиб, далолатнома тўлдирилган.

Бўнинг устига улар дорихона ички меҳнат тартибини ҳам қўпол равишда бузиб келганлар. Яъни, тўғридан-тўғри касса аппаратидан ўтказмасдан савдо-сотикни бамайлихоти туриб давом эттираверишган. Аслида юқоридаги қондага қўра ҳар қандай қўришидаги молиявий интизомни бузган ҳодим билан шартнома бекор қилиниши ва ишдан бўшатилиши керак эди. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ва Яққасарой туман ҳокимининг қароридан кейин ҳам дорихонада қинғир ишлар анча вақт давом этди.

Шу ўринда бироз мулоҳаза юритишга тўғри келади. Даъвогар ўзи ва ҳамкасбларининг ҳуқуқни поймол қилинган учун адолат истаб бир йилдан зиёд вақт сарсон бўлиши шартми?! Бу орада қандайдан-қанда асаббузарликлар келиб чиқмади дейсиз. М.Нуралиева мажбуран бекор юрган қонунлари учун моддий ва маънавий зарарни ханузгача ундирилгани йўқ.

Дорихона раҳбарларининг бир эмас, бир неча бор қонунга хилоф иш тутганлари очилиб қолди-ку! Бўғи қандай бўлди, дерсиз? Бу қилмишлари учун улар ҳам қонун олдига жавоб бериши керакдир? Бизнинг максимизм бировни ёмон отликча чиқариш эмас, адолатнинг тантана қилишидан умидворимиз.

**Азамат СУЙОНОВ,**  
журналист

БОЖХОНА САРҲАДАЛАРИДА



Республика Ҳарбий прокуратураси ходимлари боғжоначилар, чегарачилар ҳузурида тез-тез бўлишиб, ҳамкорликда сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашда уларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса ижобий самарасини бермоқда.

Суратларда: Андижон-Ўш-Дўстлик назорат постида Ҳарбий прокуратура ходими, адлия катта лейтенанти М.Холдоров (юқорида) рўйхатга олиш ҳўжатларини кўздан кечирмоқда. Шахсий автомашина текширувдан ўтказилаяпти.

ТАҲЛИЛ

## ДЕҲҚОНОБОДДАН

### НЕГА

## ШИКОЯТ КЎП?

Дунё яралибдики, оқ ва қора ранглар, бахт ва бахтсизлик, ҳақ ва ноҳақлик мавжуд ва улар ёнма-ён яшайди. Шунинг учун ҳам инсондаги нимаданбир норозилик тўғрисида шунчаки туганмас ҳодисадек, тўлодан қишга. Бу ношўрлик эмас, балки инсонларнинг азаддан адолатга ташналигидир. Бу ташналик кишиларни қирдан-қирга ошиб булоқ қидиришга мажбур қилади. Ҳа, бу ҳолат Қашқадарь вилоятининг тоғли Деҳқонobod тумани аҳолисини ҳам четлаб ўтмаган. Деҳқонobodликларни кўпчилик тоғ ҳавосидек софиди ва меҳнатхаш эл дейишди. Бу эътироф тўғри ҳам. Лекин уларнинг ҳам ўзига ҳос муаммолари, ташвиши ва қийинчиликлари бор.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун эса бу ерда ҳам амалда. Фуқаролар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, мутасадди ташкилотларга ариза ва шикоятлар ёзадилар. Ёзганда ҳам хўп ёзадилар.

Нега, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб топиш асносида мазкур қонун ижроси туманда қай даражада амалга оширилганлигини билишимиз мумкин. Ана шундай ариза ва шикоятлар кўпроқ прокуратурага келмоқда. Бизга ўтган йили ҳамма 425 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. 103 та аризадан 9 таси қаноатлантирилган. Қолганлари бошқа ташкилотларга тегишли бўлганлиги ва асоссиз ёзилганлиги туфайли қаноатлантирилмаган.

Сўнги пайларда ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган мутахассис кадрлар камайиб кетганлиги сабабли мактабларда умумий ўрта маълумот билан дарс бераётган ходимлар ҳам бор. Соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган бугунги кунда мактабларда фаолият кўрсатаётган кадрларнинг малака ва билим савиясини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борда вилоят халқ таълими бошқармасининг мактаблардаги мутахассис бўлмаган кадрларни малакали мутахассис кадрлар билан алмаштириш ҳақидаги хатига биноан баъзи мактаб маъмуриятлари «салтан олиб келдеса, каллани олиб келиш» қабилида иш тутганлар.

Тумандаги «Улуғбек» номли ўрта мактабда 1991 йилдан бўён химия лаборанти ва 1998 йилдан бошлаб синф раҳбарлигида ишлаб келаятган Ф.Шукуров ўзининг ноҳақ ишдан бўшатирилганлиги ҳақида мурожаат қилган. Унинг ишдан бўшатилиши сабаблари ўрганилганда, мактаб маъмурияти унга нисбатан ноҳақлик қилганлиги аниқланди. Ўрта маълумот билан химия лаборанти бўлиб ишлаш мумкин бўлса-да, Ф.Шукуров ишдан бутунлай озод қилинган. Мактаб директорининг бу бордаги буйруғига протест келтирилиб, Ф.Шукуров лаборантлик ишига тикланди.

Бейай парвардигор, дейдилар. Бу дунёда ҳамманинг ўзига яраша гуноҳи бор. Лекин бу дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳамма ўзи учун жавоб беришини Х.Бегимқуллов номли жамоа ширкат ҳўжалиги мутасаддилари билишмайди, шекилли. Бизга Ф.Султонова мурожаат қилиб, марҳум турмуш ўртоғи И.Ҳимматов Х.Бегимқуллов номли жамоа ширкат ҳўжалигида чўпон бўлиб ишлаганлиги ва у вафот этгандан сўнг ҳўжалик раҳбарлари ундан марҳум турмуш ўртоғининг камомадларини тўлашни талаб қилаётганлигини кўрсатган.

Текширишда нобуд бўлган моллар учун марҳум И.Ҳимматов айбдор эканлиги аниқланиб, айбдор вафот этганлиги сабабли унга нисбатан жиноят иши қўзғатиш рад этилган.

(Давоми б-бетда).



**ЮРИДИК МАСЛАХАТХОНА**

# ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИ ФАРЗАНДЛИККА ВА ТАРБИЯГА ОЛИШ

— *Фарзандликка\* олинаётган бола боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётган бўлса, у бошқа шахслар томонидан фарзандликка олинганда ушбу ҳуқуқ сақланиб қолади?*

— Ҳа, бундай вояга етмаганлар фарзандликка олинган тақдирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қолади.

— *Улар шу оиладаги бошқа фарзандлар қатори меросхўр ҳам бўлишлари мумкинми?*

— Ҳа, бундай вояга етмаганлар фарзандликка олинган тақдирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қолади.

— *УзР Фуқаролик кодексида фарзандликка олинувчининг вориблик ҳуқуқи ҳам ҳимоя қилиниши қайд этилган, яъни расмий кодекснинг 1135-моддасига кўра, «мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари, эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги вориблик ҳуқуқига эга бўлади».*

— *Фарзандликка олишдан бирон-бир илтифатга эга бўлиш ёки шунга ўхшаш бошқа хил фарзандликка кўзланган бўлса-чи? Шунингдек ота-оналик ҳуқуқлари суиистеъмол қилинса...*

— Фарзандликка олиш қалбаки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлса, фарзандликка олиш сохта бўлса, вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса, фарзандликка олувчи шахс фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолларда Ҳ.Р. Оила кодексининг 168-моддаси тартибда фарзандликка олиш ҳақиқий эмас, деб топилади.

Агар фарзандликка олувчи: — Ҳўзиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан

(\*Бошланчи ўтган сонда)

бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар;

— ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўлсалар;

— фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлаётган бўлсалар;

— муттасил ичкиликбозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлсалар суд томонидан бекор қилиниши лозим.

Суд бошқа асосларга кўра ҳам боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олиш бекор қилишга ҳақлидир.

Суд томонидан фарзандликка олиш ҳақиқий эмас, деб топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда фарзандликка олинувчи бола билан фарзандликка олувчиларнинг (уларнинг қариндошлари) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тикланади.

Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас, деб топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади.

Боланинг ота-онаси йўқ бўлса, шунингдек болани ота-онасига бериш унинг манфаатларига зид бўлса, у васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига берилади. Суднинг ҳал қилув қароридан фарзандликка олинувчининг фамилияси, исми ва отаси исмини сақлаш, сақланмаслиги кўрсатиб ўтилади. Ун ёшга тўлган боланинг фамилияси, исми ва отасининг исми фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Фарзандликка олишнинг ҳақиқий

эмас деб топил ёки фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин 3 кундан кечиктирмай суд шу қарордан кўчирмани боланинг фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарган туман, шаҳар ҳокимига юбориши шарт.

— *Фарзандликка олиш фарзандликка олинган боланинг айби билан ҳам бекор қилиниши мумкинми?*

— Мумкин. Агар фарзандликка олинган боланинг хулқ-атвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказсаётган, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олинувчи вояга етгандан кейин фарзандликка олишни бекор қилишга йўл қўйилади.

— *Суд фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топши ёки фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишни қўриб чиқиш жараёнида боланинг фикрини ҳам сўрайди-ми?*

— Агар бола ўн ёшга тўлган бўлса, унинг фикри албатта ҳисобга олинади.

— *Боланинг исми, фамилияси фарзандликка олинаётганда ўзгартирилган бўлса, фарзандликка олиш бекор қилинганда у шундайлигича қолади-ми?*

— Суд ўзининг ҳал қилув қароридан фарзандликка олинган боланинг фамилияси, исми ва отасининг исмини сақлаш ёки сақланмаслигини кўрсатиб ўтади.

Агар бола ўн ёшга тўлган бўлса, фамилияси, исми ва отасининг исми унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Хуқуқшунос Иқромжон УМРЗОҚОВ тайёрлади



## ХАТТОБНИНГ ЯНГИ РЕЖАСИ

Чечен жангарилари раҳбарларидан бири, дала командири Хаттоб ўзининг янги режаси ҳақида маълумот берди. Унга кўра, жангарилар Чеченистон ҳудудидagi руслар назоратига ўтган аҳоли пунктларини қайтариб олишни режалаштирмақдалар. Россиянинг НТВ каналида намойиш этилган видео-роликда Хаттоб жангариларнинг Россия қўшинлари томонидан «тозаланган» шаҳарларни тартиб олишга мўлжалланган ўз «дастурлари» борлигини маълум қилди. «Россия билиб қўйсин - мужоҳидлар нафақат Чеченистондаги шаҳарларни, балки Россиядаги ҳар қандай шаҳарни ҳам босиб олишлари мумкин», - дея тасдиқлади дала командири.

## ДУШАНБЕДА ПОРТЛАШ

29 январь кунни тунда Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрининг ғарбий маззеларидан бирида жойлашган 9 қаватли турар жой биносида портлаш содир бўлди. Портлаш натижасида саккиз киши жароҳатланди. Улардан учтаси оғир аҳволда. Тарқатилган маълумотларга қараганда портловчи қурилма 500 дан 700 гр. тротил қувватга эга бўлган.

## ЧЕРКОВНИНГ ТАВБАСИ

Литвадаги католиклар черкови омма олдида ўз руҳонийлари номидан кечирим сўради. Сабаби, собиқ шўролар замонида бу черков руҳонийлари КГБга хизмат қилган экан. Литва епископлари конференцияси бу қарорга келар экан, черков руҳонийларидан айбларини очикчасига тан олишга чақирди.

## «ОЗОДЛИК» МУХБИРИ ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ

«Озодлик радиоси» мухбири Андрей Бабицкий Чеченистонда Россия Федерацияси ЖПК нинг 90-моддасига биноан ҳибсга олинди. «Озодлик» мухбири энди 10 кун ўз «фаолияти»ни давом эттиролмайдди. Россия Бош прокурори вазифасини бажарувчи Устинининг сўзларига қараганда, Бабицкий «террорчиликка қарши операциялар олиб борилаётган ҳудудларда журналистлар амал қилиши лозим бўлган қондани бузган».

Бу хабар тарқатилишидан олдинроқ 26 январда Андрей Бабицкийнинг Чеченистонда исзис йўқолганлиги ҳақида хабар тарқалган эди.

## СОҒЛОМ АВАД ҚАЙҒУСИДА



Рустам Матчов 1954 йил туғилган. 1976 йил ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. Иш фаолиятини Яқкасарой туман прокуратурасида бошлаган. 1991-93 йилларида Тошкент вилоят прокуратурасида ишлаган. 1993 йилдан Республика прокуратурасининг судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўшқармасида фаолият кўрсатиб келаяпти. Юридик фанлари номзоди.

— *Рустам Назарович, ёшлар тарбияси муаммолари ҳақида катта катта йилларда сўз юртимизда. Уларнинг таълим олиш ва ишлаш учун катта имкониятлар яратилмоқда. Афсуслар бўлсинки, бу ғамхўрликларни ҳис қилмаган айрим ёшлар турли зарари оқимлар таъсирида юртва хиёнат қилишмоқда. Бунинг сабаблари нима?*

— Саволингизга жавоб бериш ҳақида ўйлаганимда кўз олдимга 16 феврал воқеалари келади. Бу фожиани уюштирганлар одил суд олдида ўз қилмишлари учун муносиб жаозасини олди. Энг ачинарлиси, уларнинг «дум»лари яна ҳар ҳар жойларда пайдо бўлиб, ўзларини ислом динининг «ҳимоячиси» ҳисоблашмоқда. Ислам дини асрлар давомида халқимиз маънавий ҳаётининг сарқашмаси бўлиб келган. Динларнинг энг мукаммили бўлган динимиз тайинсиз ватанфурушларнинг ҳимоясига муҳтож эмас.

Ёшлар ҳақида кепирадиган бўлсам, мен узоқ йиллар прокуратура тизимиде ишлаган ходим сифатида ишонч билан айтишми мумкинки, ёшларга ҳў бир давлатда бизнинг мамлакатимиздагидек ғамхўрлик қилинмайдди. Бугунги кунда неча юзлаб ёшларимиз жезонинг ривожланган мамлакатларида таҳсил олмоқда. Таассуфки, айрим ёшлар яратилган имкониятлардан фойдаланиш ўрнига турли диний экстремистик оқимларга қўшилиб, ўзлари ва ота-оналарининг юзларини ерга қаратмоқдалар. Ана шундай бузғунчи оқим «Ҳизбут тахрир» ҳақида халқимиз бугунги кунда ан-

# ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР УНГА ҚИЛИНГАН ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАЙДИ

чагина тасаввурга эга.

— *Ёшларнинг ана шундай оқимларга кириб қолишида ота-оналарнинг ҳам айби бор. Тўғрими?*

— Инсоннинг жамиятда етух шахс бўлиб шаклланишида оиланинг ўрни бекиб. Афсуски, айримлар кейинги пайтларда фарзанд тарбиясига иккинчи даражали вазифа сифатида қараб, тарбия деганда уни едириб, кийинтиришини тушунадилар. Оқибатда эса... — Сузимнинг исботи учун бир-иккита мисол келтирмоқчиман. Наманганилик А.Топилдиев 1989-98 йиллар мобайнида Наманган шаҳридаги Отауллахоҳ Гумбаз масжидига қатнаб, ваҳҳобийлик оқимига аъзо бўлиб, Уни вилоят ИИБга олиб келиб, ҳолислар иштроқиде тинтув қилинганда шимининг чапчўнта-

гидан 4 донга ўқ топилган. Ҳақли савол туғилади: Наҳотки, Авазининг оиласидагилар унинг ўн йил нима иш қилиб юрганигини билишмаска? Кишини ўйлантирадигани шукки, туппа-тузук жойда ишлайдиган, ҳаётни тушунган баъзи фуқаролар суевни лоқалатиб, ёшларни йўлдан урмоқда. Энг ачинарлиси, баъзи ота-оналар ўз фарзандлари турли оқимларга кириб хорийик мамлакатларда тайёргарликлардан ўтиб юрганиклиларини билса ҳам «ўглимиз тижорат билан шуғуллиб юрибди», деб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларни чағлатишга ҳаракат қилганлар.

Яқинда Фарғонада вилоят суди бир гуруҳ «Ҳизбут-тахрир»чиларнинг фаолиятини қўриб чиқди. Уларнинг бири — уч фарзанднинг отаси

Турғунов Ўқтам «Ҳизбут-тахрир» гуруҳига аъзо бўлиб, қасамёд қабул қилиб, О. Холматов, Р. Содиков, Т. Аскаралиев ва бошқалардан иборат жиноий гуруҳ тузиб, уларни ўқитиб, чет эл фуқароларидан олинган молиявий ёрдамдан фойдаланиб, конституциявий тузумга тажовуз қилишни режалаштирган. Ана шу мақсадда бир ёқадан бош чиқарган И.Хайруллаев, Ҳ.Назаров, А.Сотiboldиевлар босма нашрлардан ҳам фойдаланишган. «Ҳизбут-тахрир» гоёларини тарғиб қилади-

нинг илтижоли сўзлари ҳам уни бу йўлдан қайтара олмаган.

— *Бундай фожеваларнинг туб илдизи ёшларнинг ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлиги билан боғлиқ эмасми?*

— Тўғриси айтиш керак, ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўнгилдагидек эмас. Айрим мактабларда ҳуқуқшунослик дарслари номигагина ўтилоқда. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган айрим ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишмайди. Ачинарлиси, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини англаб етмайди. Менинг назаримда бугун биринчи навбатда таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбияни кучайтириб, ёшлар қалбиде Ватанга меҳр уйғотишимиз лозим.

Уз ҳуқуқини таниган, қонунларимиздан хабари бор одам билдики, Конституциямизда фуқаролар учун виждон эркинлиги қафолатланган. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Барчамизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз — ёшларимизни бузғунчи оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асрашимиз лозим. Юртбошимиз айтганидай: «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етух, жиёмонан соғлом бўлишлари учун доимо қайғуришимиз, курашишимиз зарур». Шундай қилсак, биз ўзимиз орзу қилган кунларга эришамиз.

Сўхбатдош: Зайниддин МАМАДАЛИЕВ



# ТАҲРИРИЯТ ХАТКУТИСИДАН

«Хуқуқ» аралашуви билан

## ХУҚУҚЛАРИ ТУШУНТИРИЛДИ

Тахририятимизга Наманган вилояти Чуст тумани, «Вазрик» фуқаролар йиғинига қарашли «Майдон» маҳалласида яшовчи фуқаро М.Жўраевдан бир нафар фарзандига нафақа пули ололмаётганлиги ҳақида шикоят хати келган эди. Мазкур шикоят хати Чуст туманлараро прокуратураси томонидан ўрганилиб, бизга қуйдагича жавоб хати келди:

М.Жўраева ўз аризасига мувофиқ «Вазрик» жамоа ҳўжалиги бош-қарувчисининг 1999 йил 1 июндаги қарори билан ҳўжалик авзолигидан чиқарилган.

Ҳўжаликнинг М.Жўраевдан жами 12865 сўм қарздор эканлиги аниқланди.

М.Жўраева фарзандига нафақа тайинлаш ҳақида маҳалла кўмитасига озғак мурожаат қилганлиги, шу ҳолатда фарзандига нафақа тайинланмасдан қолиб кетганлиги маълум бўлди.

Текшириш якунига кўра, қонун бузилиши ҳолатларини зудлик билан бартараф этиш юзасидан туман молия бўлими ва ижтимоий таъминот бўлими бошлиғига прокурор амрномаси юборилиб, М.Жўраевнинг бузилган ҳўқуқини тиклаш чорасини кўриб, 1 нафар боласига суюнчи пули тўлаш ва ўтган давр учун нафақа тайинлаш масаласини ҳал этиш талаб қилинди. Аризачига нафақа тайинлашни сўраб маҳалла фуқаролар йиғини ва туман ижтимоий таъминот бўлимига ёзма ариза билан мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилди.

**М.НИШОНОВ,**  
Чуст туманлараро прокурорини  
вазифасини бажарувчи,  
адлия маслаҳатчиси

# ДАЪВО АРИЗАСИ КИРИТИЛДИ

Биз отамнинг ҳовлисида уч оила яшамок-дамиз. Ота-онам, акамнинг оиласи ва мен уч фарзандим билан. Ишлай десам иш йўқ, маълумотим ҳам йўқ.

Ёрдам сўраб қирмаган эшигим қолмади. Судга ариза ёзиб кирдим. 6 сентябр куни келинг, деди, келсам йўқ. 16 сентябр деди, унда ҳам йўқ. 24 сентябр куни деди, келдик. Туш-ликкача иш кўриди. Тушликдан кейин давом эттирилмади. Сўнгги умидим қонун посбонларидан эди...

У мен билан қўпол муомалада бўлиб сўнг менга уй тегмаслигини айтди. Қачон болаларим катта бўлганда уй солиб бераман, ўшинда ҳам болаларга, сенга эмас, деди. Хаттоки, маҳалла кўмитаси ҳам бирор марта кам тавминланган оилалар қаторида болаларимга ёрдам пули ажратмади. Ҳурматли қонун ҳимоячилари, ўзингиз одилона ҳулоса қилинг, мен ўзим ва болаларимни оёққа тур-гизиш учун нима қилай? Ҳаётга эрта қадам қўйишимга, бошимга шунча зарбалар туши-шига сабаб шу оиллага келин бўлиб тушганим-ку. Менинг тақдирим уларнинг қўлида ўйинчоқ бўлишини хоҳламайман. Менинг болаларим отаси учун керак бўлмаса, Ватан учун керак-дир, деб сизларга умид билан мактуб ёзиб, жавоб кутиб қолувчи

**Роҳила** ва унинг фарзандлари Зулҳумор,  
Ғайратбек, Мухаммадсўф.

«Хуқуқ» аралашуви билан

«Хуқуқ» газетасининг 1999 йил 10 ноябр кўниги 45 (109)-сонида чоп этилган «Қорни тўқ раис ёҳуд ислохот ким учун хизмат қилмоғи керак?» сарлавҳали мақола юзасидан Музработ туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилиб, қуйдагилар аниқланган.

Мақолада 1990 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисида»ги Фармони бажарилмаганлиги ва бир метр жойга ҳам табиий газ ёки ичимлик суви қувури Музработ тумани «Туркистон» деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси (ДФХУ) раиси Исмоил Азизов томонидан ўтказил-маганлиги кўрсатилган. Ҳўжалик томонидан аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

«Туркистон» ДФХУ бўйича ҳозиргача 35 фойз хонадон газлаштирилган, ҳўжаликнинг маркази ва барча аҳоли яшайдиган пунктларга ичимлик суви билан таъминлаш учун қувурлар тортилган, аммо бу қувурларнинг бир қисми эскириб қолганлиги тўғрисида улардан фойдаланиш имкони-яти йўқ, шу тўғрисида суви билан таъминланмайдиган аҳоли пунктларига тракторлар билан ичимлик суви тарқатилмоқда.

Мақолада ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ва қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш учун кейинги 3 йилда ҳўжалик томонидан маблағ оз миқдорда ажратилаётганлиги ва бу соҳадаги ишлар анча сустлиги тўғрисида таъкид қилинган. Ҳўжаликнинг кейинги 2 йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил қилинганда фойда олиш даражаси пастлиги маълум бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чораларини тўғрисида»ги 278-сонли қарори асосида туман ҳўқимлиги томонидан 1999 йил 21 июнь куни 230-сонли

# ҚОРНИ ТЎҚ РАИС

қарор қабул қилинган. Шу қарорга кўра «Туркистон» ДФХУга қарашли Дарбанд, Қахрамон, Гулбахор қишлоқлари 2003-2010 йилларда ичимлик ва табиий газ билан таъминлашни режалаштирилган.

Мақолада И.Азизов раис сифатида табиёт, халқ таълими, савдо, маиший хизмат кўрсатиш учун бирон-бир иш қилмаганлиги, кўчаларга шағал тўқтирмаганлиги, саноят корхоналари барпо этмаганлиги кўрсатилган. Чиндан ҳам ҳўжалик томонидан табиёт, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва саноят корхоналари барпо этиш борасида ишлар қилинмаган. Аммо ҳўжалик томонидан мактаб биноларини ўқув йилига тайёрлаш учун 1999 йил 388,0 минг сўм маблағ ажратилган. Уюшма томонидан ички ҳўжалик йўлларини таъминлаш учун 317,9 минг сўм маблағ ажратилиб, шағал тўқтирилган.

Мақолада ҳўжалик раиси 4 млн сўмга УАЗ русумли хизмат автомашинаси олганлиги кўрсатилган. Текширишда ҳақиқатан ҳам «Туркистон» ДФХУ 1999 йил 8 сентябрда Термиз туманидаги «Турон-Шер» ҳиссадорлик жамиятидан УАЗ русумли автомашина олгани аниқланди. Аммо бу машина ҳозирги кунга қадар тўлиқ расмиёлаштирилиб, ҳўжалик балансига кирим қилинмаган, ушбу автомашина учун ҳўжалик томонидан пул ўтказилмаган.

Мақолада ҳўжалик пахта ва ғалла топшириш бўйича давлат бюрутмасини бажармаганлиги кўрсатилган. Ҳақиқатан ҳам ҳўжалик ғалла даласи 100 фойз занг касали билан касалланиб, ғалла

топшириш режаси бажарилмаган. Ҳўжалик ҳодимлари томонидан табиий офатни бартараф қилиш юзасидан тегишли чоралар кўрилмаган. Шунингдек, 1999 йилда давлатга пахта сотиш режаси 81,2 фойзга бажарилган, ҳўжалик ҳодимлари томонидан пахта тайёрлаш режасини бажариш учун тегишли агротехник ишлар бажарилган. Мақолада 1999 йил 1 июнь ойи ҳолатига ҳўжаликнинг кредиторлик қарзи 90 млн. сўмдан ошиб кетганлиги кўрсатилган. Ҳақиқатан ҳам бу қарз ошиб кетишига ғалла топшириш режаси бажарилмаганлиги асосий таъсир кўрсатган. Ғаллачилик бўйича кредиторлик қарзи 48 млн. сўмни ташкил қилган, булардан ташқари ўғит, техника, электр энергия учун қарзлар кўпайган.

Туман прокуратураси томонидан «Туркистон» ДФХУ учун УАЗ автомашинаси олганлиги қонунийлиги юзасидан қўшимча текшириш ўтказилмоқда, натижасига кўра тегишли чора кўрилади.

**Ш.ШУКУРОВ,**  
Сурхондарё вилоят прокурорини,  
адлия катта маслаҳатчиси

Мазкур илтижоли мактуб вилоят прокуратурасига текшириш учун жўнатилган эди. Яқинда мактуб юзасидан жавоб хатини олдик.

Р.Отабоева 1992 йил 16 октябр кўнида Марҳамат тумани Пахтакор жамоа ҳўжалиги 2-участка 45-ўйда яшовчи Зоҳид Маматқодировга турмушга чиқиб, 1997 йил феврал ойига қадар бирга яшаб келишган, шу даврда улар 3 нафар фарзандли бўлишган.

1997 йил феврал ойидан оилавий келишмовчилик сабабли бирга яшамасдан Р.Отабоева ҳозирда ота-онасининг уйда вояга етмаган фарзандлари: 1994 йилда туғилган Зулҳумор, 1995 йилда туғилган Ғайратбек ва 1997 йилда туғилган Мухаммадсўф билан яшаб келмоқда. Унинг берган тушунтириш хатида З.Маматқодировга турмушга чиққан вақтда қайнонани Б.Маматқодировнинг номида бўлган уй жойларда яшаб келишганлигини, ажрашиб кетишганидан сўнг туман судига алимент ундириш ҳақида мурожаат қилганлигини, фарзандлари учун суд алимент ундириб берганлигини, аммо 1999 йилнинг июл, август, сентябрь ойларининг алимент пулларини олмаганлигини, уй-жой сўраб бир неча маротаба туман ҳўқимиятига озғак мурожаат қилганлигини, лекин ҳеч қандай натижа бўлмаганлигини, ота-онасининг уйда фарзандлари билан яшаш учун шароит мавжуд эмаслигини баён этди.

Текшириш давомида ҳақиқатан ҳам Р.Отабоева жорий йилнинг июль, август ва сентябр ойлари учун жами 16143 сўм пулни олмаганлиги аниқланиб, жавобгар З.Маматқодировдан бу пуллар ундириб берилди.

Шунингдек, З.Маматқодиров ишлаб келаётган Марҳамат туманидаги 113-МГМК мансабдор шахслари корхонада ишлаб келаётган 4 нафар алимент тўлаши лозим бўлган ишчиларнинг даъвогарлигига ўтказиб бериши лозим бўлган 114392 сўм алимент пуллари 3 ойдан ортқ вақт ўтган бўлса-да ўтказилмаганлиги, ижро варақаларини қасддан йўқотиб юборганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан 113-МГМК мансабдор шахсларига нисбатан ЖК нинг 232-моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, ҳозирда мазкур жиноят иши бўйича Марҳамат туман прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари З.Маматқодиров билан Р.Отабоева ўртасидаги никоҳ судда бекор қилинмаган. Уй-жой Кодексининг 32-моддасига асосан Р.Отабоевани 3 нафар вояга етмаган фарзандлари билан З.Маматқодировнинг уйига киритиб қўйиш ҳақида туман прокуратураси томонидан Марҳамат туман судига даъво аризаси киритилди.

**Н.КУРБОНОВ,**  
Андижон вилоят прокурорининг  
ўринбосари

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил хуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларида мос бўлиши шарт.

(Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 18-моддаси)

## ТАҲЛИЛ

(Бошланғичи 3-бетда).

Виллят прокуратурасининг топширигига биноан туман ижтимоий таъминот бўлимида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси текширилганда, мазкур ташкилот мутасаддилари ариза ва шикоят билан ишлашни умуман билмасалар керак, деган хулосага келдик. Чунки ариза ва шикоятлар билан ишлашнинг маълум қонун-қоидалари мавжуд. Келиб тушаётган ариза ва шикоятлар, аввало, девонхонада иш юритувчи томонидан қайд қилиниб, хизмат йўналишлари бўйича тақсимланиши, ҳал этилган мурожаатлар учун алоҳида жилд юритилиши ҳамда ҳар бир ариза ва шикоятнинг сабаб ва шарт-шароитлари таҳлил этиб ўрганилиши лозим. Лекин туман ижтимоий таъминот бўлимида бу қоидаларга умуман амал қилинмасдан, фуқароларнинг мурожаатлари эътиборсиз қолдирилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш энг муҳим масала бўлиб турган бугунги кунда мазкур ташкилотдаги бундай ҳолатга қандай баҳо бериш мумкин?!

Фуқароларнинг мурожаатлари ва туман ҳокимиятида ҳам етарли

унга талаб қилган мол-мулкни беришга мойил мансабдор шахслар ҳам мавжуддир.

Аризабозлик кучайишининг асосий сабабларидан яна бири юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мутасадди ташкилотларнинг фуқароларнинг мурожаатларига ўта маъсулиятсизлик билан муносабатда бўлиши, энг ачинарлиси, мурожаатлар билан ишлаш масъулияти юкланган айрим мансабдор шахсларнинг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талабларидан беҳабарлигидир.

Мазкур қонуннинг 10-моддасида давлат органлари ва уларнинг раҳбарлари ўз ваколатлари доирасида шикоятларни ҳолисона, ҳар томонлама ва ўз вақтида текширишлари ва қонуний ҳал қилишлари лозимлиги кўрсатилган. Амалда эса бунинг аксини ҳам кўраёпмиз.

Қонуннинг 12-моддасига кўра, туман ҳокими ўринбосарлари ариза ва шикоятлар учун шахсий қабул дафтери очилган ва унда ўзларига тақдим этилган аризаларни ҳал қилишлари лозимлиги кўрсатилган. Амалда эса бунинг аксини ҳам кўраёпмиз.

Қонуннинг 12-моддасига кўра, туман ҳокими ўринбосарлари ариза ва шикоятлар учун шахсий қабул дафтери очилган ва унда ўзларига тақдим этилган аризаларни ҳал қилишлари лозимлиги кўрсатилган. Амалда эса бунинг аксини ҳам кўраёпмиз.

чилигига сабаб бўлмақда. Шу шахсларнинг Обишон хусусий ҳиссадорлик жамияти раиси Г.Эргашевнинг устидан ёзган аризалари дастлаб туман прокуратураси томонидан 1999 йил 8 февралда текширилган. Аризадаги вазиятлар тасдиқланмаганлиги ҳақида муаллифларга жавоб хати юборилган. Лекин шунга қарамай, шикоятчилар юқори идораларга ариза ёзишдан тўхтамаганлар. Яна қўшимча текшириш ўтказилиши натижасида аризадаги вазиятлар умуман тасдиқланмади.

**Қонун бўйича асосиз шикоят ёзган шахсларга нисбатан «Прократура тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245- ва 275-моддалари қўлланилиб, маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилиши лозим. Агар бундай гайриқонуний ҳаракатлар такроран содир этилса, МЖТКнинг 40-моддаси билан маъмурий жавобгарликка ва келгусида Жиноят Кодексининг 139-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган.**

Афсуски, кўпгина аризабоз

## ВОҶЕИ ҲИКОЯ

Довуд МАҲДИЙ



Нозик ва оғир баданига мушт ёғилди\*. «Уйдан чиқиб кетмасаларинг, селларни ўлдирман, бу уйда яшашга ҳақларинг йўқ», — деб бақириб-бақириб чиқиб кетди.

Бир-икки кун тинчиб кетар, ноғохонда яна пайдо бўларди.

— Уйдан кет, бўлмаса калланг олиб, ёнбошингга қўяман.

— Энди миласга хабар қилман...

— Ҳўв, ман инвалидман, мани ҳеч ким, ҳеч нарса қилолмайди.

— Эндям тинч қўймайсиз. Ана, жойиз. Уйланг.

— Сенлар бу уйдан чиқиб кетсаларинг, ман бошқа аёлга уйланман, чиқмасаларинг, ҳаммангни қўшиб, ёқиб юбораман.

— Эй, худо, бу нима қўғулик!

— Кулингни кўкка совурман! Ҳаммангни ёқаман.

Шарифа қайга борсин. Кўни-қўшни ҳам, участкавойни ҳам безор қилди. Нима бўлса энди пешонасидан кўради. Орадан кунлар ўтди.

Пахта терими мавсуми бошланди. Қўл оз-моз пул санайдиган пайт. Кийим-кечак, сумка, китоб... ҳаммаси пул, дейди.

Шарифа болалари билан узу-кун пахта терди. Чарчаб уйга келишди. Озроқ картошка қовуришди. Чой ичишди. Ухлагани ётишди. Икки катта ўғли турдаги уйда, икки қиз ва кичиги Шарифа билан кўрпага ўрalliшиб, эртақ ҳам эшитмай, қаттиқ уйқуға кетишди.

Шарифа кучугининг улишидан уйғониб кетди. Ҳали тонг отишига анча маҳал бор. Нима бўлди? Жониворнинг бундай одати йўқ эди-ку. Фингшиди, улийди. Улмасга (кучугининг номи) нима бўлди? Уйда тутун бурксиётганини сезиб қолди.

Юғуриб, эшикка борди. Итарди, очилмади.

Ўғли ёрдамга келди.

— Болаларим, туринглар, уйимиз ёнапти! Даданг уйга ўт қўйиб кетибди.

Эшик очилиши билан, уй ичини аланга қоплади, қизиб турган шифт алангаланиб ерга «тўп» этиб тушди. Болалар қочиб чиқишга улгуртишди, ҳолос. Шарифа, тамбани олиб отаркан, кимнингдир тик қотиб турганини кўрди.

Кўшнилари ёрдамга чақирдиш.

— Момогул, ёрдам беринглар, уйимиз ёниб кетапти. Пулатжон, чоп, қўшниларикидан пожарнига телефон қил.

Уй ёнапти. Атрофда, болалар юзида кўрқув ва олов шафағи. Қора қўланга яқинлашди, аланга ёруғида тиржайиб турганлиги яққол кўринарди.

— Ҳа, сан уйғониб кетдинг-а. Бу сафар ҳам ниятими амалга оширолмадим, барибир селларни ўлдирман. Ҳа, ҳа, ҳа!

У шундай деди-ю, арвоҳдай қайгадир ғойиб бўлди.

Кўп ўтмай ўт ўчирувчилар, бир-икки қўшнилари сув олиб сенишга тушишди.

Улар уйни ўчиришди, аммо ичкаридаги бор бисот ёниб тамом бўлган эди.

Шодини ҳибсга олишди. Кўни-қўшнинг ёрдами билан уй нари бери эпга келтирилди. Бир даҳлизда яшаб турса бўлади. Оқибатли кишилар қўп, уй ҳам таъмирланади, лекин юракдаги жароҳатлар битиши қийин.

Аммо Шарифа... Шодининг изидан иссиқ кийим, овқат юбориб турди. Судда илтижо қилди.

— Мани даъвом йўқ. Уйга қайтсинлар, майли бирга яшаймиз. Пушаймон бўлган бўлсалар бўлди. Болаларини бағирларига олсинлар. Бешта боламини тирик етим қилиши ҳеч қачон истамаганман. Етимлик нималигини биламан-ку. Фақат, бизларни урмасалар бўлди, сўксалар ҳам майли. Ишламасалар ҳам майли, болаларига бош бўлиб турсалар, шу кифоя.

Қизиқ. Панжара ортидаги Шодининг багарасида надоматдан нишон бўлсада...

Оила аъзоларини мунтазам қўйиб келганлиги, мулкни қасддан нобуд қилганлиги, қасдан одам ўлдиршига суиқасд қилганлиги учун узок йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Шарифа барибир эрини ўйлайди. Никодан ажралган бўлса ҳам, қийнаган бўлса ҳам унга ачинади, нима бўлганлигини ўйлаб ўйига етолмайди. Озроқ бўлса ҳам бахтли дамлариниз бўлган-ку, дейди. Мехр ўтлари ҳали-ҳамон сўнмагандай.

Мана бугун унинг учун овқат тайёрлади, у-бу нарса қариб қилди. Биз-ку яшаймиз, у ёқда қийин. Ўғлини отасини ҳудиб келгани юбораяпти.

— Болам, боргин, нима қилса ҳам отанг, хабар олгин. Сўкса ҳам индама, овқатини едир. Отангнинг рози қил, болам. Тепада худо бор, шундай қилсанг, худого ёқда.

\*\*\*

Бу муқаддас аёл ўз дардини дoston қилишни истамаганлиги, вақти келиб, бу «полвон» ҳам ўз хатосини англаб етганда «Мани газетга урдиргансан», деб таъна қилмаслигини ўйлаб, яхши умид билан исмларни биров ўзгартириб ҳикоя қилишни лозим топдик ва оила устунларини тебратаётган айрим аёлу-эркаклар тегишли хулоса чиқарарлар, деган эзгу ният ила сўнгги нуқтани қўямиз.

(\*Охири. Бошланғичи ўтган сонларда).

# ДЕҲҚОНОБОДДАН НЕГА ШИКОЯТ КЎП?

этибор берилмаётир.

Туман ҳокимиятига турли муаммолар хусусида бир неча юз ариза ва шикоятлар келиб тушган. Бу ерда юқори идоралардан келиб тушган аризалар учунгина 4 та дафтар юритилган, бошқа идоралардан ва фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар учун эса алоҳида қайд қилиш дафтари юритилмаган. Бу ҳам етмагандай, тушган аризаларнинг қанчаси ҳал қилинган ва ҳал қилинмаганлари қанча эканлигининг ҳам ҳисоб-китоби йўқ. Бундан ташқари, ҳал этилган аризалар бўйича ҳам алоҳида жилд мавжуд эмас. Аризаларда кўрсатилган вазият ҳам тўлиқ текширилмаган. Баъзи аризаларга фақат текшириш даволотномаси қўшиб қўйилмоқда.

Аввало, эътиборни нима учун туманда шикоятлар кўп эканлигига қаратиш лозим. Прократурага келиб тушган мурожаатларни ҳал этиш, тегишли идораларда ўтказилган текширишларда ва фуқароларни шахсан қабул қилиш, жойларга чиқиб суҳбатлашиш жараёнида бунинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Бунинг объектив сабабларидан бири аҳоли ҳуқуқий савиясининг пастлиги, эски тузумдан қолган боқимандалик кайфиятининг мавжудлиги, янги иқтисодий илоҳотларни тушунамаслик ҳолатларининг мавжудлиги, шунингдек, тумандаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ноқорлиги ва аҳоли асосий қисмининг ишсизлиги ҳамда ҳам таъминланганлиги, деб ўйлайман. Бундан ташқари, меҳнатга бўйни ёр бермайдиган, аризабозликни ўзига касб қилиб олган фуқаролар ҳам борки, шикоятларнинг бир қисми уларга тегишлидир.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Ҳўш бундай аризабозлар нега кўп?

Негаки, ариза ёзувчилардан Азроилдан кўрқандек кўрқадиган, ишқилиб тинчиса бўлди, деб

этиш лозим эди.

Масъулиятсизлик шу даражага бориб етганки, юқори ташкилотларга ёзилган ариза ва шикоятлар мазмунан ҳал қилинмасдан, асосиз равишда эгаларига қайтариб юборилган.

Туман прокуратураси томонидан ҳокимиятдаги бу салбий ҳолатлар юзасидан текширувлар ўтказилган.

Бу борадаги қатор камчиликлар аниқланиб, туман ҳокимиятига тақдимнома киритилган эди. Бу тақдимномалар ҳам ҳокимият мутасаддиларининг пинагини бузмади. Бир неча марта талаб қилганимиздан сўнг, 46 кун кечиктириб тақдимномага жавоб берилди. Лекин шунда ҳам айбдор ходимлар интизомий жавобгарликка тортилмаган.

**«Фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасига кўра эса фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашда қонуностилишига йўл қўйган ходимлар жиноий жавобгарликка тортилиши лозимлиги кўрсатилган.**

Бу каби масъулиятсизлик фуқароларда туман ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлишига, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб юқори идораларга қўллаб мурожаат қилишларига сабаб бўлган. Фуқароларнинг мурожаатларига шу кўринишдаги муносабат кейинги бир йилнинг салбий таърибаси эмас, балки кўп йиллик гайриқонуний амалиётдир. Шу боис фуқаролар юқори идораларга қўллаб мурожаат қилиши оқибатида «Деҳқонобод халқи-ёзувчи халқ» деган тамғани олган.

Масалан, аризачиликни ўзига касб қилиб олганлардан «Бош-чарбоғ» жамоа ширкат ҳўжалигининг Обишон қишлоғида яшовчи фуқаролар Н.Мақсадов, М.Холназарова, Р.Мандироваларнинг «ижодий фаолияти» ҳам кўпчилик идораларнинг беҳуда оврагар-

фуқаролар қонунинг бу талабларидан беҳабар. Юқорида фамилиялари келтирилган шахсларга нисбатан қонуннинг ушбу талаблари қўлланилиши ҳақида оғохлантириш берилди.

**Қонунга кўра, фуқаролар қонунбузилишлар содир бўлган вақтдан эътиборан 1 йил давомида мурожаат қилиши мумкин.** Лекин баъзи фуқаролар бундан бир неча йил олдин содир этилган қонунбузилишлар ҳақида ҳам ариза билан мурожаат қилмоқдалар. Биргина ҳолат бунга мисол бўла олади. Юсуф Мўминов 1994 йилда содир этилган қонунбузилиш ҳақида хозиргача аризабозлик қилиб юрибди. Ваҳоланки, унга бу ҳолатлар текширилганлиги, аризадаги вазиятлар тасдиқланмаганлиги ҳақида ўнлаб марта жавоблар берилган. Туман прокуратураси қабул қилган қарор юқори прокуратуралар томонидан текшириш ҳужжатлари сақлаш муддати ўтганлиги учун архивга топшириб юборилган.

**Қонуннинг 15-ва 16-моддаларида гайриқонуний мазмундаги мурожаатлар учун ариза муаллифлари жавобгарликка тортилишлари ҳамда улардан атайин сохта маълумотлар баён қилинган мурожаатларни текшириш учун кетган харажатларни ундириб олиш белгиланган.**

Қонуннинг бу моддалари кам ишлатилиши оқибатида фуқаролар унинг талабидан беҳабарлар. Шу боис фуқаролар ариза ёки шикоят билан мурожаат қилишларидан олдин унда баён этилган ҳолатлар тўғрисида, у ёки бу шахсга нисбатан тўхмат, бўҳтон уюштирмаётганликларига амин бўлишлари шарт... Акс ҳолда таёчарбоғ» жамоа ширкат ҳўжалигининг Обишон қишлоғида яшовчи фуқаролар Н.Мақсадов, М.Холназарова, Р.Мандироваларнинг «ижодий фаолияти» ҳам кўпчилик идораларнинг беҳуда оврагар-

фуқаролар қонунинг бу талабларидан беҳабар. Юқорида фамилиялари келтирилган шахсларга нисбатан қонуннинг ушбу талаблари қўлланилиши ҳақида оғохлантириш берилди.

Т.ТОШЕВ,

Деҳқонобод туман прокурори





# Шабриклар

*Хурматли Фахриддин Бойзоқов!*

Сизни 1 феврал таваллуд айёмингиз билан бутун жамоа номидан муборакбод этамиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, эл-юрт тинчлигини сақлашдек ўта масъулиятли ва шарафли ишингизда омадлар тилаб қоламиз. Бахтимизга соғ бўлинг.

**Чуст туманлараро прокуратураси жамоаси**

— 0 —

*Қадрдон дўстимиз*

*Акматалиқ Янгйбоев!*

Сизни кутлуғ 35 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга соғлиқ-саломатлик тилаймиз. Улкан зафарлар хайроҳингиз бўласин.

**Эҳтиром ила дўстларингиз Аскар ва Бахтиёр**

— 0 —

*Хурматли ва қимматли*

*азиз онажонимиз Анорхон ойи!*

Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Хамиша бахтимизга соғ ва омон бўлинг деб

**қизингиз, кўвингиз ва неварангиз**

— 0 —

*Синфдошимиз*

*Сурайё Усмонова!*

Таваллуд топган кунинг билан табриклаймиз. Сенга узоқ-умр, бахт-саодат, севиш ва севилиш бахтини тилаб қоламиз.

**Синфдошларинг**

**Сарвар, Жамшид, Шамсиддин,**

**Боёвут тумани**

— 0 —

*Хурматли ва азиз укажонимиз*

*Мироншоҳ Атабаев!*

Биз Сизни таваллуд кунингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Сизга омад, бахт ва соғлиқ тилаб

**Акалари: Сухробжон, Музробжон**

— 0 —

*Хурматли Саидвали*

*дада ва Муаттар амма!*

Сизларни 2 феврал таваллуд кунингиз билан табриклаймиз. Узоқ-умр, сихат-саломатлик тилаб қолувчи.

**Уғлингиз Саиднаби, келинингиз**

**Замира, набираларингиз**

**Ақромхўжа, Назоқатхон,**

**Сардорхўжа**

— 0 —

*Қадри устозимиз*

*Гули Мухаммедова!*

Сизни таваллуд кунингиз билан чин қалбимиздан қутлаймиз. Ёш авлодни тарбиялашдек шарафли фаолиятингизда омад тилаймиз.

**Тошкент шаҳридаги 84-мактабнинг 6 «а» синф ўқувчилари**

— 0 —

*Хурматли Ўғилбой Полвонова!*

Сизни 1 феврал туғилган кунингиз билан табриклаймиз, педагогик фаолиятингизга ривож, ўзингизга мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

**Касби туманидаги 2-касб-хунар мактаби жамоаси**

— 0 —

*Хурматли онажоним*

*Хуриниса Баходирова!*

Сизни 5 феврал туғилган кунингиз билан чин юракдан муборакбод қиламан. Бахтимга омон бўлинг.

**Уғлингиз Умарбек Баходиров**

— 0 —

Ойжонимизни кутлуғ 50 ёшга тўлиши билан табриклаймиз.

**Ҳақимовлар оиласи,**

**Пискент тумани**

## БОКС

Ўтган ҳафтада бутун дунё бокс оламининг нигоҳи Англиянинг Манчестер шаҳрида бўлди. Бу ерда ўта оғир вазнда собиқ жаҳон чемпиони «темир» Майк Тайсонни Буюк Британиянинг энг кучли боксчиси бўлиб танилган Френсис рингга чорлади.

Қамоқ жабридан анчагина ювощ тортиб қолган «темир Майк» рингга ўзини

## ШИДДАТЛИ ТАЙСОН

сувадаги балиқдек эркин тутди. Унинг зарбалари шунчалик кучли ва шиддатли бўлдики, Френсис биринчи раунднинг ўзидан танг аҳволга тушиб қолди. Иккинчи раундда Майкнинг кучли зарбалари кучли рақибни ерга қулатди.

Айтишларича, Тайсонга бу «жанг» даги ғалабаси учун 11 миллион доллар ваъда қилинган. Ҳар қалай, XX асрнинг буюк боксчиси қарзларидан қутулиб, анча энгил нафас оладиган бўлди.

## СПОРТ ВА БИЗНЕС

### ПУЛНИ ПУЛ ТОПАДИ

Борис Беккернинг номи дунё теннис ихлосмандларига яхши маълум. Машҳур теннисчи қорғат чиқмай кўйганидан кейин боши билан бизнес уммонига шўнғиб кетди. У пул пулни топади, деган нақлга амал қилиб, спорт рекламаси ва менежмент билан шуғулланувчи ВВІ (Boris Becker International) маркетинг фирмасини очди.

Беккер бизнесда тап-тортмай, қулочни кенг олди. Мижозлар талашда эса сираям адашмаяпти. Бугунги кунда жаҳон футбол юлдузлари сафидан жой олган, Италиянинг таниқли «Милан» командаси футболчиси Андрей Шевченко фирманинг биринчи миждози бўлганлиги шундан шохидлик беради.

Беккер молиявий манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олиш ҳақида Шевченко билан узоқ муддатли шартнома тузишга эришди. ВВІ компанияси Европа футболни ва теннисдан ташқари спортнинг бошқа турлари, жумладан америка футболни ҳам ўзига жалб этишни кўзламоқда. Борис Беккер Атлантага ташриф чорда, Миллий футбол лигаси вакиллари билан учрашиб, ўз хизматини тақлиф этди.

## СОВРИНАИ КРОССВОРД

1	2	3	4	5	6	7	8	9
				10				
			11					
12							13	
			14	15		16	17	
18		19	20			21		22
					ютуқ			
	23				2000	24		
25			26		сўм	27		28
29			30			31		32
	33	34		35	36		37	38
39				40			41	42
				43				
44						45		

**Энига:** 1. Республикамиздаги вилоят. 5. Спорт тури. 11. Афандининг қозоқ ошнаси. 12. Россиядаги олий табака футбол жамоаси. 13. Илм аҳли. 15. Фожияли ҳалок бўлган Уэлс маликаси. 18. Хўл мева. 20. Жиноятга муқаррар. 21. Қўнғил, дил. 22. Жанубий Америка мамлакатларида узунлик ўлчови бирлиги. 23. Дўст, ўрток. 24. Италиянинг спорт моллари билан жаҳонга машҳур фирмаси. 29. Шамол. 30. Мамлакатимиз ёшларининг сеvimли эстрада ғуруҳи. 31. Судралиб юрувчи жонивор. 32. Вертолёт русуми. 35. Бошқотирма тури. 39. Уй жиҳози. 42. Майса. 43. Коинотнинг маълум бир қисми. 43. Ошхона буюми. 45. Ҳажвий сурат.

**Бўйига:** Инъом этилган ернинг тарихий номи. 2. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» дostonидаги қаҳрамонлардан бири. 3. Санъат тури. 4. Муқаддас кўшиқ. 6. Пайгамбарлардан бири. 7. Кир ювиш воситаси. 8. Тожикистондаги шаҳар. 9. Қотар қурол. 10. Бошоқли экин. 14. Ўзбекистонлик каратэчиларнинг устози. 15. Қадимда ўлим жазоси ижро этилган қурилма. 16. Инсонга хос фазилят. 17. Бирон-бир иш юзасидан қилинган мурожаат. 19. Суд томонидан чиқариладиган ҳужжат. 22. Голландча пишлок тури. 25. Бутун жаҳонда севиб ичиладиган қаҳва тури. 26. Қулоғи эшитмайдиган киши. 27. Рангли металл. 28. Навоий вилоятидаги туман. 33. Аниқ ўлчамли нусха олиш учун ишланган мослама. 34. Сувли ерларда ўсадиган қурилишбоп ўсимлик. 36. Спорт тури. 37. Афсонавий Одиссейнинг ватани. 38. Поштахтимиздаги бозорлардан бири. 40. Гузаллар қомати киёс қилинадиган даракт. 41. Қанот боғлаб кўшга умқоқи бўлган эртак қаҳрамони.

**Ўтган сонда эълон қилинган кроссворд бўйича тўғри жавоб ололмадик. Фақатгина Тошкент шаҳрида яшовчи мухлисаримиз Райҳон Пўлатова ва Мунира Шариповалар кроссвордни тўғри ҳал этишга ҳаракат қилишган.**

### Газетанинг ўтган сонидан берилган кроссворд жавоблари:

**Энига:** 1. Айғи. 2. Тасуж. 5. Солиқ. 10. Ис. 11. Наунета. 12. Уд. 15. Идда. 16. Арок. 19. Ридо. 20. Одер. 21. Итоб. 22. Шоти. 23. Елка. 26. Анор. 30. Ка. 31. Аристотел. 32. Об. 35. Нотик. 36. Балет. 37. Театр.

**Бўйига:** 2. Тоифи. 3. Су. 4. Жанг. 5. «Сааб». 6. Ля. 7. Қадок. 8. Сулҳ. 9. Вена. 13. Адриатика. 14. Аргентина. 17. «Бобби». 18. «Порше». 23. Елкан. 24. «Нестле». 25. Аросат. 27. Робот. 28. Ариқ. 29. Герб. 33. От. 34. Эл.

## БИР ЧИМДИМ КУГУ

Карта ўйинидан сўнг ярим тунда уйга қайтган эр хотинига маълум қилаяпти:

— Бугун бироз омадим келмади-да. Аммо, лекин бир жиҳатдан бахтим чопди: Юз сўмга сен менга тиктириб берган қора костюмим бору, ўшани ютказиб қўйган олти юз сўмим ўрнига ўтказиб юбордим.

\*\*\*

Маст ҳолда уйга келатган эркак ўйлаяпти: «Хотиним тагин бақирадиган бўлди-да... Э,ҳа, йўли бор: хонамга кираману китоб оламан, у мени кўриб сўрайди: «Яна ичиб келдингми?». Мен эса: «Йўқ, мана кўрмаясанми, китоб ўқияпман», дейман.

У уйга кириб, жимгина хонасига ўтиб кетди.

Хотини кириб сўраяпти:

— Лаънати, яна ичдингми?

— Нима кўрмаясанми, мана китоб ўқияпман-ку.

— Тентак, чемодонни ёпиб жойига қўй-да, бориб ухла!

Сиз қўйидаги қупонни тўлазиб, қирқилган ҳолда тахририятимизга йўлласангиз, кифоя. Табриқ, қутловлар ва олди-сонди ёки бошқа турдаги эълонингиз газетамизда чоп этилади.

Эслатма: № белгиси қўйилган жойни очиқ қолдиринг.

<b>БЕПУЛ ЭЪЛОНЛАР ҚУПОНИ</b>		№
МАТН		
<input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>		
ИСМИ ШАРИФИЯНГИЗ		
<input type="text"/>		
МАНЗИЛ		
<input type="text"/>		
<p>МАТН ҲАЖМИ 30 СЎЗДАН ОШМАСЛИГИ ЛОЗИМ.                  КУПОН ФАҚАТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.</p>		



Ҳадемай баҳор юмушлари бошланади.